ЗАҲИРИДДИН
МУҲАММАД БОБУР
НОМИДАГИ АНДИЖОН
ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ANDIJAN STATE
UNIVERSITY NAMED
AFTER ZAKHIRIDDIN
MUKHAMMAD BABUR

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА

Серия: Гуманитар тадқиқотлар

SCIENTIFIC BULLETIN

Series: Humanitarian Studies

2020/ №5(49)

Андижон
2020 йил

Муассис:

Zahiriddin Muhammad
Bobur nomidagi
Andijon davlat universiteti

ИЛМИЙ ХАБАРНОМА.
Серия: Гуманитар тадқиқотлар

Журнал бир йилда
8 марта (серия 2 марта)
чоп этилади

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси
ҳузуридаги Ахборот ва Оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил
17 августда 1097 рақами билан
рўйхатга олинган

Нашр индекси: 344

Нашр учун масъул:
Д.Неъматова

Журнал фалсафа, тарих,
филология, педагогика, кимё ва
биология фанлари бўйича Олий
аттестация комиссиясининг
диссертациялар натижалари юзасидан
илмий мақолалар эълон қилиниши
лозим бўлган нашрлар рўйхатига
киритилган.

Босишга рухсат этилди: 28.08.2020
Қоғоз бичими: 60x84 $^{1}/_{8}$.
Босма табоғи: 13,5.
Офсет босма. Офсет қоғози.
Адади: 110 дона.
Баҳоси келишилган нархда.
Буюртма №:

«Муҳаррир» нашриёти матбаа
бўлимида чоп этилди.

Тошкент шаҳри,
Сўгалли ота кўчаси 7-уй.

Таҳририят манзили:
170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129.
Телефон: +998911602043. Факс: (374) 223-88-30
E-mail: adu_xabarnoma@mail.ru
Расмий сайт: www.xabarnoma.adu.uz

Таҳрир ҳайъати раиси:
Расулов Бахтиёр Махмуджонович – тарих фанлари доктори (Андижон, Ўзбекистон)

Фалсафа
Саифназаров Исмоил Саифназарович – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Иззетова Эмине Мустафаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Маҳмудова Гули Тилабовна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Юлдашева Фарида Хужамқуловна – фалсафа фанлари доктори, (Андижон, Ўзбекистон)
Когай Евгения Анатольевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Курск, Россия)
Нуришева Гульжихан Жумабаевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Шарипова Эркайим Козуевна – фалсафа фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)

Тарих
Шамсутдинов Рустамбек Темирович – тарих фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Исҳоқов Мирсодиқ Мирсултонович – тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Асқаров Аҳмадали Асқарович – тарих фанлари доктори, ЎзР ФА академиги (Тошкент, Ўзбекистон)
Расулов Абдулла Нуритдинович – тарих фанлари доктори, профессор (Наманган, Ўзбекистон)
Амелин Веналий Владимирович – тарих фанлари доктори, профессор (Оренбург, Россия)
Койгелдиев Мамбет Кулжабаевич – тарих фанлари доктори, профессор (Олмота, Қозоғистон)
Кененсариев Ташманбет Кененсариевич – тарих фанлари доктори, профессор (Бишкек, Қирғизистон)

Адабиётшунослик
Йўлдошев Қозоқбой Бойбекович – педагогика фанлари доктори, профессор (Гулистон, Ўзбекистон)
Тўхлиев Боқижон – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Каримов Баҳодир Нурметович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Қосимов Абдуғопир Абдукаримович – филология фанлари доктори (Фарғона, Ўзбекистон)
Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович - филология фанлари доктори (Тошкент, Ўзбекистон)
Кунафин Гиниятулла Сафиуллович – филология фанлари доктори, профессор (Уфа, Россия)
Ҳусейн Бойдемир – филология фанлари доктори, профессор (Эрзрум, Туркия)
Абдуқодиров Абдусалом – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Вали Саваш Йелок – филология фанлари доктори (Анқара, Туркия)

Тилшунослик
Маҳмудов Низомиддин Мамадалиевич – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Ҳошимов Ғанижон Мирзаахмедович – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Менглиев Бахтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)
Шаҳобиддинова Шоҳида Ҳошимовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Набиева Дилора Абдулҳамидовна – филология фанлари доктори, профессор (Андижон, Ўзбекистон)
Алифриенко Николай Федорович – филология фанлари доктори, профессор (Москва, Россия)
Зулпикаров Капар Зулпикарович – филология фанлари доктори, профессор (Ўш, Қирғизистон)
Бердиалиев Абдували – филология фанлари доктори, профессор (Хўжанд, Тожикистон)
Фатма Очик – филология фанлари доктори, профессор (Анқара, Туркия)

Муҳаррир:
Д.Ҳ.Қуронов, филология фанлари доктори, профессор

МУНДАРИЖА

ФАЛСАФА

М.Н.АБДУЛЛАЕВА, Г.Ғ ҒАФФАРОВА
Муҳаббат муаммоси замонавий фалсафа призмасида 5

Г.Т.МАҲМУДОВА
«Таълимдан – дунёқарашга» ижтимоий тараққиёт парадигмаси 10

А.А.ЭГАМБЕРДИЕВ
Олий таълим трансформациясини тадқиқ этишнинг айрим назарий муаммолари.....17

ТАРИХ

М.Ғ.АБДУЛЛАЕВ
«Бобурнома» асарида хронология ва метрология.....25

Г.Б.НОРМУРОДОВА
Бухоро жадидлари ижтимоий бирдамлик йўлида 33

А.МАМАЖОНОВ
Юртдошларимизнинг Европа ҳудудида фашизмга қарши курашдаги иштироки.....40

Н.Б.КОМИЛОВ
Жадид Обиджон Маҳмудовнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий қарашлари 47

М.Ҳ.ҒОЗИЕВ
Фарғона водийси чорвачилиги тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари).....55

А.А.АБДУХАЛИМОВ
Фарғона водийси қишлоқларида умумтаълим мактаблари.....61

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Ч.ИГАМУРАТОВА
А.Некрасовнинг «Капитан Врунгелнинг саргузаштлари» қиссасидаги
«гапирувчи» номлар таржимасининг ўзига хосликлари.....68

Н.Х.ШАРАФИДДИНОВА
Ритмо-фонетик фигура компонетлари ва уларнинг ўрни 76

ТИЛШУНОСЛИК

Ш.Х.ШАҲОБИДДИНОВА, Д.Ш.ЭГАМНАЗАРОВА
Гапнинг актуал бўлиниши назарияси тадқиқининг
тарихи ҳамда асосий йўналишлари 84

Н.Д.ШИРИНОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида предметлик ва белги-хусусият
маъноларини фарқлашда градуонимик муносабатлар 93

Г.З.РОЗИҚОВА
Маҳмуд Кошғарий «Девон»ида шахс денотатли лексемалар синонимияси.....102

Ў.Ҳ.ИСЛАМОВ
Фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар.....109

Ш.М.СУЛТОНОВА
Диний лексика диний фразеологик бирликларнинг таркибий қисми сифатида.....115

Д.А.РУСТАМОВ
Лисоний қиймат ва мулоқот жараёни.....122

Д.Н.САТИМОВА
Инглиз ва ўзбек тилларида сленг-лексема ва унинг семик таҳлили 130

Н.Р.АМОНТУРДИЕВ
Ўзбек тилининг умумий изоҳли луғатларида этнолексемалар берилишининг қиёсий таҳлили 138

D.A.SOBIROVA
Bolalar she'riyatida alliteratsiya 145

CONTENTS

PHILOSOPHY

M.N.ABDULLAEVA, G.G.GAFFAROVA
The cognitive system of sufism in the prism of modern philosophy 5

G.T.MAKHMUDOVA
From education to worldview is a paradigm of social development 10

A.A.EGAMBERDIEV
Study of some theoretical problems of higher education transformation..... 17

HISTORY

M.G.ABDULLAEV
Chronology and metrology in «Babur-name» 25

G.B.NORMURODOVA
Jadids of Bukhara on the way to social solidarity 33

A.MAMAJONOV
Participation of our countries in the struggle against fascism in Europe 40

N.B.KOMILOV
Socio-political and economic views of jadid Obidjon Makhmudov 47

M.H.GOZIEV
Ferghana valley livestock history (End of the XIXth - beginning of the XXth) 55

A.A.ABDUKHALIMOV
Secondary schools in the villages of the fergana valley 61

LITERARY STUDIES

D.Ch.IGAMURATOVA
Peculiarities of the translation of «speaker» names in A.Nekrasov's story «The adventures of captain Vrungel» 68

N.X.SHARAFIDDINOVA
Components and the place of rhithm-phonetic figures 76

LINGUISTICS

Sh.H.SHAHOBIDDINOVA, D.Sh.EGAMNAZAROVA
History and main directions of the study of the theory of the actual division of the sentence 84

N.D.SHIRINOVA
Gradual relations in demarcation of substance and attributive meanings in english and uzbek languages..... 93

G.Z.ROZIKOVA
Synonymy of lexemes with person denotatum in «Devon» of Mahmud Koshgari 102

O'.H.ISLAMOV
The factors creating eloquent speech 109

SH.M.SULTANOVA
Religious vocabulary as an integral part of religious phraseological units 115

D.A.RUSTAMOV
Language value and the communication process 122

D.N.SATIMOVA
Slang-lexeme and its semantic analysis in uzbek and english..... 130

N.R.AMONTURDIEV
Comparative analysis of the presentation of ethnolexemes in general dictionaries of the uzbek language 138

D.A.SOBIROVA
Alliteration in children's poetry..... 145

УДК 394 268 8

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ЧОРВАЧИЛИГИ ТАРИХИДАН (XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИ)

М.Ҳ.Ғозиев

Мақолада XIX аср охири ва XX аср бошларида Фарғона водийси ҳудудида яшаган миллат ва элатларнинг машғулотлари, водийнинг қулай географик ўрни, адирликлар ва яйловларнинг қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланиш учун аҳолига қулай имконият яратганлиги тўғрисида фикр юритилган. Қўқон хонлиги ва Россия империяси ҳукмронлиги давридаги ижтимоий-сиёсий вазият, бу даврдаги хўжаликлар турлари, чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг туриш-турмуши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *географик муҳит, диний мутаассиблик, кўчманчи, яримкўчманчи, ўтроқ, волий, ноиб, ҳоким, амлок ерлар, вақф ерлари, мулки хирож, мулки ушрия, чорвачилик, Қамбар ота, Занги ота, Чўлпон ота.*

В статье речь идёт об этносах,проживавщихв Ферганской долине в конце XIX– начала XX века, представлены сведения об их жизни и быте, роде занятий, типах скотоводства, развитию которых, а также для занятия другими видами сельского хозяйства способствовали природные удобства данного региона.Также, приводятся сведения об истории возникновения Кокандского ханства, общественно-политические обстоятельства в нём в изучаемый период. Рассмотрена роль холмистых местностей в экономической жизни населения, а именно в развитии различных типов скотоводства. Приведены воспоминания скотоводов об истории развития животноводства.

Ключевые слова: *географическая среда, религиозный фанатизм, кочевой, полукочевой, оседлость, правитель, владычество, вакуфныеземли, скотоводство, Камбар ота, Занги ота, Чулпон ота.*

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудуди деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланиш учун қулай маконда жойлашган. Шу боис аҳолининг хўжалик фаолиятида деҳқончилик билан бир қаторда чорвачилик ҳам қадим-қадим замонлардан асосий роль ўйнаган. Милоддан аввалги V – IV минг йилликлардаёқ Ўзбекистонда, жумладан, Фарғона водийсида чорвачилик ва ибтидоий деҳқончилик билан шуғулланувчи элатлар, аҳоли вакиллари истиқомат қилишган. Қадимий Хоразм ерларида, Тошкент воҳасининг тоғ этаклари ва даштларида, Фарғона водийсида ва Зарафшон этакларида шу қабилалар турмуши, маданиятига оид моддий ва маданий ёдгорликлар топилгани фикримизнинг исботидир [1. Б. 19].

Фарғона водийсида чорвачиликнинг тараққиёти тўғрисида фикр юритганда, аввало, водийнинг табиий-географик жойлашуви, XIX аср охири – XX аср бошларида аҳоли демографияси, этнослар таркиби, ижтимоий-сиёсий вазият тўғрисида қисқа маълумотлар бериб ўтиш жоиз.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, биз томонимиздан кўрилаётган давр турли талатўплар, тахт учун курашлар, солиқ ва адолатсизликка қарши оммавий норозиликлар, халқ қўзғолонлари ҳамда Россия империясининг ўлкамизга қилган тажовузи, руслаштириш сиёсати, мустамлакачи тартиботнинг қарор топиши ҳамда мустаҳкамланиши даврига тўғри келади.

Фарғона водийси қадимдан Ўрта Осиёнинг ўзига хос тарихий-этнографик ўлкаларидан ҳисобланади. Водий атрофи тоғлар билан ўралганлиги боис табиий иқлими кескин ўзгаришлардан сақланиб туради.

Фарғона водийси ҳудудига ҳозирги Андижон, Фарғона, Наманган вилоятлари билан биргаликда Тожикистоннинг ҳозирги Хўжанд (Ленинобод) вилояти, Қирғизистоннинг Ўш вилояти (Ўзган, Жалолобод, Боткен, Новқат шаҳарлари билан) киради. Бу ҳудудлар XIX аср ўрталарида Қўқон хонлиги таркибида бўлиб, хонлик ҳудуди нафақат Фарғона водийси, балки Еттисувнинг катта қисми, тоғли Қоратегин, Кўлоб, Шўғнон ва Дарвоз ҳудудлари, Тошкент воҳаси, Қозоғистоннинг жанубий қисми кирар эди [1. Б. 137].

Фарғона водийсининг географик қулай жойда ўрнашганлиги нафақат ўлканинг маданий ва иқтисодий жиҳатдан ривожланишини белгилаб берди, балки бу ерга бошқа этник элементларнинг маълум даражада кириб келишини ҳам таъминлади. Айни вақтда бундай географик хусусият натижасида водий Ўрта Осиёнинг бошқа ўлкаларида содир бўлаётган сиёсий жараёнлардан холи қолар эди. Бошқа юртларда ҳукм сураётган нотинчлик-

лар, яшаш учун бўлган интилишлар қўшни ҳудудлардан турли миллат ва элат фуқароларининг водийга яшаш илинжида келишига сабаб бўлган. Натижада XIX аср охири – XX аср бошларига келиб,Фарғона водийси Марказий Осиёнинг энг аҳоли зич жойлашган ва кўпмиллатли ҳудудларидан бирига айланган.

Тадқиқотчилар томонидан бу ердаги этник гуруҳларнинг машғулоти, яшаш тарзи, тарихи тўла-тўкис ўрганилмаган. Фақат Фарғона водийси ўзбеклари ичида яшаган қипчоқлар, қирғиз ва қорақалпоқ, тожикларнинг этномаданий тараққиёти масалалари тадқиқотчилар томонидан тадқиқ қилинган.

Турмуш тарзига кўра ўтроқ аҳолининг асосий қисми деҳқончилик, ҳунармандчилик ҳамда савдо-сотиқ билан банд бўлса, кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Ўтроқлашиб кетилиши Россия империясининг ўлкамизда аста-секин пахта монополиясига эътибор қаратганлиги, яйлов ва адирларни ўзлаштиришнинг кучайиши натижасида содир бўлган.

Ўрганилаётган даврда Фарғона водийсида яшаган этнослар таркибида ўзбеклар кўпчиликни ташкил қилиб, шаҳар ва қишлоқларда тожиклар, қирғизлар ва қипчоқлар ҳам истиқомат қилганлар. Улар Сирдарёнинг бошланиш жойларидан, Балхаш кўлигача бўлган тоғли ҳудудлардан то Қашғаргача бўлган ҳудудларда, Еттисув, Талас водийси, Олой тоғлари, Бадахшон, Фарғона водийси ҳудудларида кўчманчи ва ярим кўчманчи ҳаёт кечирганлар. Бундан ташқари Фарғона водийсида қорақалпоқлар, Тошкент атрофларида, водийнинг шарқий қисмидаги чўлларда кўчманчи қозоқлар истиқомат қилганлар.

XIX аср бошларида қирғизлар, қалмоқлар, уйғурлар, қорақалпоқ, қозоқ ва қипчоқлар Хитой давлати босими туфайли Шарқий Туркистондан Фарғона водийсигача кўчиб келишга мажбур бўлганлар. Шунингдек, водийнинг айрим ҳудудларида лўлилар, ҳиндлар, афғонлар, араблар ва бошқа Осиё халқлари истиқомат қилганлар. Россия империяси босқинидан сўнг руслар, татарлар, яҳудийлар, арманлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам аҳоли таркибига қўшилган.

Водийда қишлоқ хўжалиги билан асосан ўзбеклар, тожиклар, қирғизлар, қозоқлар, уйғурлар, қорақалпоқлар шуғулланганлар. Бу соҳада ерга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш бир неча хил бўлган. Давлатга қарашли ерлар: амлок ерлар, вақф ерлари, мулки хирож ва мулки ушрияга бўлинган эди. Қўқон хонлиги даврида пахтачилик ва ғаллачилик билан бир қаторда пиллачилик, боғдорчилик, узумчилик ҳам ривожланди, дашт ва тоғли районларнинг аҳолиси чорвачилик билан шуғулланди [1. Б. 137].

Мазкур даврда водий аҳли қўшни ҳудудлар ва хорижий мамлакатлар билан қизғин савдо-сотиқ алоқалари олиб борганлар. Жумладан, Қўқон шаҳарида якшанба ва чоршанба кунлари бозор бўлган.

XIX асрнинг ўрталарида Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, Қашғар, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон ва, айниқса, Россия билан савдо-сотиқ алоқалари кенг йўлга қўйилган. Қашғар билан олиб борилган савдо-сотиқ фақат Қўқон шаҳри орқали бўлар эди. Қўқондан Қашқаргача юкланган от карвони 14 – 20 кун йўл юрган. Қўқондан Қашғарга асосан рус темири, қизил чарм, мато, ипак ва ипдан тўқилган матолар, олтин олиб борилган. Қашғардан Қўқонга эса ҳар йили 30000 отда чой, 200 отда оқ рангли мато, 200 отда қимматбаҳо тошлар, 50 отда атторлик буюмлари келтирилган [2. Б. 114].

Қўқон шаҳри карвонсаройларида Ҳиндистон, Тибет, Қашғар, Бухоро амирлиги, Афғонистон, Россиядан олиб келинган моллар айирбошланарди [2. Б. 118].

Россия империяси мустамлакачилиги даврида пахта яккахокимлиги ўрнатилиши, бунинг оқибатида серунум ва кенг ястаниб ётган яйловларнинг пахта ва экин майдонларига айлантирилиши муносабати билан Фарғона водийсида чорвачилик заифлаша бошлади.Тарихшунос олим С.Жалиловнинг қайд этишича, пахтачиликка бўлган талаб ортиб бориши туфайли Туркистон генерал-губернатори 1890 йилиёқ суғоришни кенгайтириш йўли билан экин ерларини кўпайтириш ҳақида ўз мулоҳазаларини баён қилган эди [3. Б.98 – 99].

Оқибатда кўчманчилик турмуш тарзи емирилиб, асосан, деҳқончиликка асосланган ўтроқ турмуш тарзи кенгайиб борди. XIX аср охирларида Фарғона водийсида қишлоқ хўжалиги, ички ва ташқи савдо, умуман, шаҳар ҳаёти бирмунча юксалди. Шу билан бирга Фарғонанинг айрим районлари ва қўшни вилоятлар ўртасида иқтисодий ва сиёсий алоқалар кенгайиб борди, уларнинг Россия билан иқтисодий алоқалари кучайди.

Бу даврда чорвачилик ҳам секин-аста кенгая бошлади. Аслида, ўтроқ аҳоли турмуш тарзи ва эҳтиёжлари учун ҳам, кўчманчи ва яримкўчманчи аҳоли учун ҳам чорвачилик билан шуғулланиш муҳим ўринни эгаллаб келган. Ерни ҳайдов қилиш, экинга ишлов бериш, ғаллани янчиш, сув тортиш ишларида, бошқа юртларга бориш, савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланиш ҳамда етиштирилган маҳсулотни ташиб олишда (транспорт), қолаверса, озиқ-овқатга ва кийим-кечакка бўлган талаб ва эҳтиёжларни қондириш учун ҳам чорвачилик асосий ўринни эгаллаб турар эди.

Чорвачилик водий иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутган соҳа бўлиб, у, айниқса, кўчманчи қир-

ғиз қабилалари яшайдиган тоғолди ҳудудларида яхши ривожланган эди. Чорвачиликнинг энг ривожланган соҳаси қўйчилик ва йилқичилик ҳисобланарди. Бундан ташқари ўтроқ деҳқон аҳоли яшайдиган ҳудудларда уй чорвачилиги, айниқса, йирик шохли уй ҳайвонлари – қорамол, сигир, ҳўкиз боқиш кенг тарқалган бўлиб, улардан гўшт, сут маҳсулотлари олишдан ташқари, деҳқончиликда иш кучи сифатида фойдаланиларди [4. Б. 228].

XVII асрдан XVIII аср ўрталаригача қорақалпоқ элатининг асосий қисми Сирдарёнинг Ўрта ва қуйи оқимига туташган территорияда яшаган. Қорақалпоқлар яримкўчманчи тарзда ҳаёт кечириб, деҳқончилик, чорвачилик ва балиқ овлаш билан шуғулланганлар [1. Б. 151].

XIX асрнинг иккинчи ярмига қадар қорақалпоқларда синфий табақаланиш чорвачилик хўжаликлари соҳасида ҳам кучаяверди. Чорва моллар-нинг кўпчилиги бойлар, мироблар, юзбошилар, бийлар, оталиқлар, беклербеги ва руҳонийлар қўлида эди. Деҳқончиликда бўлгани каби чорвачиликда ҳам чорикорликнинг ва умрбод қарам бўлиб ишлашнинг турли формалари мавжуд эди [1. Б. 157].

Биринчи жаҳон уруши вақтида пахтакорларнинг ва умуман меҳнаткаш омманинг ҳаёти ниҳоятда оғирлашди. Аввалambор, Чор ҳукумати томонидан пахтага солиқ солиниши деҳқонлар учун зарба бўлди. Шаҳар ва қишлоқларда аҳолининг деярли ҳаммаси ип газламалардан фойдаланиши ҳисобга олинса, газламалар нархининг ошиши ўлка қашшоқликка учраётганлигидан далолат беради.

Қорамол, қўй ва отларнинг ҳам баҳоси жуда ошди. Отлар фронтга олиниши сабабли, уларнинг баҳоси 50 сўмдан 100-120 сўмгача кўтарилди. Натижада деҳқонлар отсиз қолиб қийналдилар. Бу даврнинг фожиаларидан бири шуки, ўлкада кўп бойликлар фронт эҳтиёжи баҳонасида Россияга олиб кетилди. Масалан, 40899244 пуд пахта, 300000 пуд гўшт, 229000 пуд совун, 38004 кв.м. палос, 473928 пуд балиқ, 3109000 пуд пахта ёғи, 70000 та от, 1297 та туя, 270 та арава, 13441 та ўтов Россияга жўнатилди. Булардан ташқари фронтга ёрдам сифатида халқдан 2400000 сўм пул йиғиб олинди. Мустамлакачи маъмурият халқнинг бор-йўғини шилиб, тинкасини тамомила қуритди. Бунинг устига бутун мамлакат бўйлаб қаҳатчилик ва оммавий касалликлар авжига миниб, ўн минглаб одамларнинг ёстиғини қуритди [5. Б. 154 – 155].

Рус муаррихи ҳамда сайёҳи А.Ф.Миддендорфнинг хотираларида ёзилишича, «Фарғона водийси ўзининг қулай географик муҳитга эга бўлганлиги сабабли маданияти ривожланган ҳудудлар даражасига кўтарилди. Фарғонада жуда катта фойда келтирадиган дала суғорилиши мавжуд бўлган. Шу асосда Фарғонанинг қадимги шуҳратига суянилса бўлар эди ва у Самарқанднинг қадимги шуҳрати билан чамбарчас боғланиб кетар эди (Самарқанд Сўғд заминининг машҳур шаҳридир). Шарқ одамининг жўшқин хаёлотига кўра Сўғд тўрт қитъанинг жаннатидан биттасидир. Бу мамлакатга ташриф буюриш Шарқ ўғлонининг узоқ соғинчли кутишларига завқ бағишлайди. Кўплаб аввал яшаб ўтган араб географи шундай ёзади (у Сўғдни ўз кўзлари билан кўрган): «... Қишлоққа кирмай туриб, уни кўрмайсан: унга дарахтлар соя солиб туради; бу – Худо назари тушган ер бўлиб, у қишлоқларга бой, мўл дарёлари-ю, қушларнинг сайрашлари босиб кетадиган гўзал диёрдир... Бутун Сўғдни мисли яшил духобадан тикилган либосга ўхшатиш мумкин. Бунда у оқар сувнинг мовий тасмаларидан тўқилган ва оқ қасру уйлар билан безатилган бўлади» [6. Б. 11 – 12].

Охир-оқибат ўзбек хонликларидаги ижтимоий-сиёсий беқарорлик, иқтисодий ва ҳарбий ночорлик қўшни мамлакатларни ўз тасарруфига киритиб олиш сиёсатини жадаллаштираётган чор Россиясига қўл келди. Хонликлардаги парокандалик, ўзаро низо ва урушлар, охир-оқибат, уларнинг Россия империяси томонидан босиб олиниши ва мустамлакага айланишига олиб келди [7. Б. 223].

Водийдаги чорвачилик билан шуғулланувчи аҳолининг машғулот турлари ҳақида тарихчи – тадқиқотчилар турли хилдаги қарашлар ва талқинларни илгари сурганлар. Жумладан, тадқиқотчи Г.Н.Симаков қуйидагича маълумот берган:

1) яйловда, ўтлоқда боқиш (пастбищное скотоводство): Бунда чорва моллари яйлов, ўтлоқда боқилади, шунинг учун чорва боқаётганлар албатта яшаш жойидан узоққа, ана шу яйловга оиласи билан кўчиб боришга мажбурдир;

2) яйловда, ўтлоқда боқишнинг (отгонное скотоводство) яна бир тури шундан иборатки, бутун чорва ёки бир қисми йилнинг маълум бир даврига (баъзида бутунлай бир йилга) битта ёки бир неча чўпон кузатувида (умуман бегона ёки қариндошлиги бўлган) боқиладиган тури. Чорва эгаси ва унинг оиласи бу вақтда ўзларининг муқим яшайдиган ёки мавсумий ўтроқ ўрнашган жойларида бўладилар, бу пайтда яйлов ва улар турган жойдаги масофа олислиги туфайли чорвага қараш, доимий сутини соғиб олиш каби юмушларини бажара олмайдилар;

3) яйлов системасининг яна бир тури (яйлажная форма скотоводства) шуниси билан характерланадики, бутун чорва ёки маълум қисми (кўп ҳолларда йилнинг иссиқ пайтларида) деҳқон ёки унинг оиласи яшаш жойидан олисроқ ёки унча олис бўлмаган жойда боқилишидир. Унда оиланинг бир қисми, одатда, аёллар кўчиб борадилар. Улар чорва ҳайвонларига қарайдилар, парвариш

қиладилар, сут-қатиқ маҳсулотларини (сузма, қуртоп) ғамлайдилар. Қисман боқиладиган жойда ноқулай об-ҳаво шароитларида сақланиш учун ҳайвонларга молхона, чўпон-чўлиқлар учун яшайдиган бошпана қуриб қўядилар. Боқиш мавсуми тугагандан сўнг чорва ва уни назорат қилиб юрганлар деҳқоннинг доимий ёки вақтинчалик яшаш жойларига қайтадилар. Шуни таъкидлаш лозимки, бундай машғулот кўчманчиликка ёки чўпонларнинг ҳайдаб боқиш турига кирмайди. Бу фақат оила аъзоларининг мавсумий яйловга вақтинчалик кўчишидир (яйлов улар учун доимий мулки бўлиб қолган);

4) ҳайдаб боқиладиган тури (выгонная форма скота) аввалги санаб ўтилган турларидан шуниси билан кескин фарқ қиладики, бутун йил бўйи ёки қисман деҳқон ва унинг оиласининг (чорва эгасининг) муқим яшайдиган манзилидан узоқда бўлмаган жойда боқилади. Эрталаб кетиб, кечки пайт келиши мумкин. Ёки ўз кундалик машғулотларидан ошиниб, бир неча марталаб сигирларни соғиб олиши ва уларга қараш мумкин. Буни чўпонлар ёки оила аъзолари боқадилар. Моллар учун оғилхона ҳам яқин жойлашган. Яна таъкидлаш лозимки, яйлов яқин бўлгани учун хоҳлаган пайтда соғиб олиш мумкин, назорат қилиш, об-ҳаво айнаб қолса, оғилхонага олиб кириб қўйиш мумкин ва бошқа шарт-шароитлар қулай бўлади;

5) боғлаб боқиш шакли (стойловая форма) ҳайдаб боқиш усулига ҳамоҳанг бўлган ҳолда, биринчидан, олдиндан тайёрлаб қўйилган, қўлда ўриб келинган озуқа билан боқилиши бўлса, иккинчидан, чорва учун стационар хона, яъни оғилхонанинг мавжудлигидир [8.Б.72 – 73].

Тўғри, ўша пайтда чорвадорлар учун алоҳида яйлов, ўтлоқ ерлар бора-бора ижтимоий-сиёсий ва табиий жараёнлар таъсири остида қисқариб бориши натижасида аҳолининг ўтроқлашуви тезлашиб борган.

Биз тадқиқот олиб борган Булоқбоши, Ширмонбулоқ қишлоғида яшовчи аҳолининг асосини деярли ўзбекнинг турк уруғи ташкил қилади. Бу уруғнинг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланади. Бизнинг тадқиқотларимиз давомида респондентлар билан бўлган суҳбатлардан намуналар келтирамиз.

Абдусаттор ота Ражабов (1929 йили туғилган, турк, Найман қишлоғи, Сарбонтепа МФЙда истиқомат қилади) 12 ёшидан қишин-ёзин қўй боқиш билан шуғулланганлигини, чўпон таёғи ҳақида ўз билганларини гапириб берди. Таёқ деярли чўпон бўйи билан баробар бўлиши керак. Подага ёввойи ҳайвонлар яқинлашиб қолса, аввало, ўзини ва подани ҳимоя қилишга ярайдиган қаттиқ дарахтдан ясалиши керак. Четан, ирғай, қизил қурт, дўлана каби тоғларда ўсадиган дарахтлардан қилинади. Қамчи ҳам худди шу дарахтлардан ясалади. Боиси улар силлиқ, тикансиз, чидамли ва пишиқ бўлиб, букилиб, синиб кетмайди. Толдан ҳам ясаса бўлади, – дейди. Абдусаттор ота бир ривоят айтиб берди: Чўпон намоз вақти келиб қолгани учун бўрини чақириб, қўйларимга қараб тургин, эвазига битта қўй бераман, деб ўз юмушини бажариб, намозини ўқиб олган. Бўрини эса ҳеч нарса бермай ҳайдаб юборган. Шунда бўри: – «Битта қўйингни ейман, мингтасини қираман», – деб онт ичиб кетган экан. Шунинг учун ҳар гал ҳужум қилганда қўйнинг фақат томоғидан бўғизлаб кетар экан.

Яна бир ривоятда Худойи таоло чўпон кечаси ухлаб қолмаслиги учун қўйнинг қирқилган жойига қурт тушадиган қилиб қўйган экан. Бу қурт охири қўйни ўлдириши мумкин экан, шунинг учун чўпон кечаси яраси бор қўйларнинг қуртини териш билан машғул бўлиб ухлаб қолмас экан [9].

Ҳусанов Расул ота (1926 йили туғилган, турк. Ширмонбулоқ марказида истиқомат қилади) қўй ва йилқичилик билан узоқ вақт шуғулланган. Қоракўл қўйлар ҳам боққан. Фарҳод ГЭС қурилишида, Мирзачўлни ўзлаштириш ишларида қатнашган.

У киши ҳам қўйлар ҳақида ўз мулоҳазаларини гапириб берди. Қўй олти ойда кўпаяди, буни деярли ҳамма билади. Кўпчиликка номаълум бўлган янгилик – қўйлар туғилгандан бошлаб 5 ёш бўлгунча ҳар хил номда аталар экан. Янги туғилганда *қўзи*, бир ёшга етганда, яъни олти ойдан сўнг *тўхли*, 3 ёшда *ишшак*, 4 йил бўлганда *чори,* 5 яшарлигида *панжи* дейилади.

Хорун ота Холиқулов (1931 йилда туғилган, турк. Ширмонбулоқ қишлоғи, «Оқсув» маҳалласида яшайди) 17 ёшида ўша давр колхоз йилқисини боқишни бошлаган. 1956 йилдан бошлаб вилоят сил касалликлари диспансерига 17 йил давомида қимиз топширишганлигини эслайди. Ҳар 1 литр қимиз учун 1 литр сигир сути ва 60 сўм пул тўланар эди.

Отлар 11 ой 10 кунда туғади, деб ҳикоя қилади Хорун ота. Ҳар 20 та отга биттадан айғирни баҳорда туғиладиган пайтни мўлжаллаб қўшиб қўйилади. Кўпроқ отлар кечаси туғади. 3 – 4 ёшга етгунча, тойни миниш мумкин эмас. 4 ёшдан отга эгар солинади. Отларнинг 10 тадан биттаси одам ажратади, яъни яқинига йўлатмайди. 40 ёшгача яшайди. Эркак (айғир) отларда 5 ёшида 1 дона озиқ тиш пайдо бўлади. Аввалари ажратиб олишда қийинчилик бўлмаслиги учун отларнинг сонига тамға босилар эди. Кейинчалик қулоғини қирқиб қўйиладиган бўлди.

Отлар тўғрисида худди қўйлардагидек кўпчилик билмайдиган синоатлар бор экан. Янги туғилган от *қулун* дейилади. 1 ёшга етганда *калта той,* 3 ёшга етганда *ғунан*, 4 ёшга етганда *пушти*, 5

ёшида *аси* дейилади. 5 ёшдан кейин *бия, от* дейилади.

Хорун отанинг айтганлари А.З.Мухторов, З.Т.Турақуловларнинг «Йилқичилик» китобида келтирилган отларнинг ёшини аниқлаш борасидаги маълумотларга мос келди [10. Б. 46].

Чорвачилик соҳасидаги ҳар бир турнинг пири бор дейишади. Йилқичиларнинг пири Қамбар ота, сигир-бузоқларнинг пири Занги ота, қўйчилик пири Чўлпон ота деб қабул қилинган.

Пўлатхон ота Маҳмудовнинг (1933 йили туғилган, турк) Сарқашқа деган оти бўлган. Отахоннинг таъкидлашича, от – мурод дейдилар. От боқилган хонадонда файз-барака бўлади.

Чорвачилик инсоният турмуш тарзида фақатгина гўшт ва сут етиштириш манбаигина бўлиб қолмай, бу соҳа орқасида ундан чиқадиган маҳсулот ёки чиқитларнинг инсон эҳтиёжига биринчи даражали асқотадиган мато, кийим-кечак учун ажратиб олинадиган тери-чарм маҳсулотларидир.

Ҳайвонлардан олинадиган ҳар бир маҳсулот орқасида алоҳида бир ҳунар эгаси гавдаланадики, қадим-қадимдан инсоният яратувчанлик ва бунёдкорлик деган ғояларга аллақачон тамал тоши қўйилган. Бу дегани инсонни иш билан таъминлаш, бир касбнинг пайдо бўлиши, бу касб ёки ҳунар орқали энг асосийси вақтни бекор ўтказмаслик, қандайдир ижтимоий фойдали машғулот билан банд бўлиш, тирикчилик ўтказиш, рўзғор тебратиш, бола-чақа боқиш каби азалий инсон талаби ва эҳтиёжини қондириш деган муаммони ҳал қилишдир.

Ушбу ҳунарлар ичида кўнчилик кенг тарқалган ҳунар бўлиб, гўштга сўйилган ҳайвон терисини қайта ишлаб, ундан саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳам зарурий машғулотдир. Тўғри, ҳозирги кунга келиб тери олиш ва унга ишлов бериш, тери маҳсулотларидан кийим-бош, пойафзал ишлаб чиқариш давлат корхоналарида илғор технологиялар асосида сифатли амалга оширилмоқда. Қўл меҳнати билан олинадиган тери ва чарм маҳсулотлари юқори даражада бўлмаса-да, шу кунларда ҳам аҳоли эҳтиёжини нисбатан қондирмоқда. Ўзбекистонда мол ва эчки терисидан тайёрланган саноат маҳсулотлари энг сифатли ва тоза ҳисобланади. Бу терилардан камзул, костюм, куртка, пойафзал маҳсулотлари – миллий маҳсилар, туфли кабилар тайёрланади. Демак, чорвачиликнинг орқасидан жун ва жун маҳсулотларига, тери маҳсулотларига ишлов берувчи ҳунар эгалари – кўнчи, косиб, рўмол, свитер (эчки ва туя жунларидан) тўқувчи, гиламдўз, кигизчи ҳамда чарм камзул, костюм тикувчи чеварлар ҳам оила тебратганлар.

Хуллас, Фарғона водийси аҳолиси чорвачилик билан қадим-қадимдан шуғулланиб келган. Аждодларимиз уй ҳайвонларини тирикчилик ўтказиш (сути ва гўшти учун) мақсадида, шунингдек, ерга ишлов беришда иш кучи (от, ҳўкиз) сифатида фойдаланиш мақсадида, савдо ишларида транспорт тури (от, туя, эшак) сифатида, қолаверса, даромад манбаи сифатида парваришлаганлар. Юқорида эслатилганидек, пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида, яйлов ҳамда чорва боқувчи ҳудудларнинг камайиши оқибатида чорвачилик тушкунликка юз тутиб, чорва моллари сони камайиб борган.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон ССР тарихи / Академик И.М.Мўминов таҳрири остида. – Тошкент: Фан, 1974. – 656 б.

2. *Бобобеков Ҳ.Н.* Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. – 240 б.

3. *Жалилов С.* Фарғона водийсининг суғорилиш тарихидан (XIX аср охири – XX аср бошлари). – Тошкент: Фан, 1977. – 168 б.

4. *Саъдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н.* Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. –Тошкент: Академия, 2000. – 272 б.

5. *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустамлака ва зулм исканжасида. – Тошкент: Шарқ, 2006. – 352 б.

6. *Миддендорф А.* Очерки Ферганской долины – Санкт-Петербург: Типография императорской академии наук, 1882. – 413 с.

7. *Усмонов Қ., Содиқов М., Обломуродов Н.* Ўзбекистон тарихи. – Тошкент: ЎАЖБНТ маркази, 2002. – 280 б.

8. *Симаков Г.Н*. О принципах типологизации скотоводческого хозяйства у народов Средней Азии и Казахсатана в конце XIX – начале XX века // Советская этнография. – 1982. – № 4. – С.67 – 76.

9. Дала тадқиқотлари. 2018 йил июнь – июль ойлари, Ширмонбулоқ қишлоғи.

10. *Мухторов А.З., Тўрақулов З.Т*. Йилқичилик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – 198 б.

11. *Ибрат И.* Фарғона тарихи /Нашрга тайёрловчилар: Бобобеков Ҳ., Ҳасаний М. – Тошкент: Камалак, 1991. – 256 б.

12. *Қосимов Б*. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.

13. Ўзбекистон халқлари тарихи / А.Асқаров таҳрири остида. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1994. – 256 б.

14. *Бернштам А.Н.* Древняя Фергана. – Ташкент: Издательство Академии наук УзССР, 1951. – 47 с.

FERGHANA VALLEY LIVESTOCK HISTORY (End of the XIXth - beginning of the XXth)

M.H.Goziev[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Humanitarian Studies. 2020. 5(49). 55 – 60.
[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str. University, 129 (Uzbekistan).E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: geographical environment, religious fanaticism, multinational, nomadic, semi-nomadic, settled, ruler, dominion, helper, land for clerics, types of livestock, Kambarata, Zangiata, Chulponata.

In this article, we would like to consider for information about Ferghana Valley, which is one of the most historically-ethnographic region of Central Asia. Because of the valley surrounding the valley, the natural climate is protected from radical changes.The territory of the Ferghana Valley includes the regions within the three former Soviet republics: Andijan, Ferghana and Namangan provinces, Tajikistan's current Khujand (Leninabad) region, Osh province of Kyrghzstan (Uzgen, Jalalabad, Batken and Noukat cities).The geographical location of the Ferghana Valley has not only determined the cultural and economic development of the country, but also ensured the introduction of other ethnic elements at the same time. As a result of this geographical feature, the valley was free of political processes in other Central Asian states. In the face of wars, strife and corruption, famine, and other abuses, foreigners and citizens of other districts, far from Ferghana, were more active in the preoccupation of their job and asylum, not only in the immediate vicinity of political and religious upheaval. As a result, Ferghana valley was the most populous and multinational region of Central Asia in the lateXIXth and early XXth centuries. The article analyzesthe living Ethnos in Ferghana Valley, their way of life, occupation, and the region's ability to engage in various agricultural activities.In addition, it tells about the Kokand Khanate and the socio-political situation in that period, the Kokand Khanate in the lateXIXth and early XXth centuries, the types of livestock farming, and especially the Adriatic and pasture for the population to engage in various agricultural activities. The article, also presents the interviews with respondents during the field of research, myths and narratives pertaining for each of animal, and piles of those areas.

The methodological basis of the paper are «History of Qo'qon»under the leadership of Bababekov H. who initiated not all ethnic groups here have been completely screened by our historians. Only some groups Kipchaks, Kyrgyz and Karakalpaks, Tajiks living in the Ferghana Valleyhave been partially studied.

In while preparing the paper, the author made use of figures Bernstein A.N, Middendorf A,on given by Ziyoev H, A.Sadullaev and others in Ferhgana valley about XVII-XVIIIth centuries. According to this, at the beginning of the XIX century there was a million, one and a half million in the middle of the XIX century, and about three million in the mid-XIXth century, including Tashkent and Turkestan, the occupation of several regions of Russian Empire and the violent administration about 2 million people remained in Ferghana valley under the Kokand Khanate.

References:

1. Muminov, I.M. (ed.) (1974) *O'zbekiston SSR tarixi* [The history of Uzbekistan SSR]. Tashkent: Fan.
2. Bobobekov, H.N.(1996) *Qo'qon tarixi* [The history of Kokand]. Tashkent: Fan.
3. Jalilov, C. (1977*) Farg'ona vodiysining sug'orilish tarixidan* [From the history of irrigation system of Ferghana valley]. Tashkent: Fan.
4. Sa'dullaev, A., Aminov, B. (ed.) (2000) *O'zbekiston tarixi* [The history of Uzbekistan]. Tashkent: Akademiya.
5. Ziyayev, H. (2006) *O'zbekistan mustamlaka va zulm iskanjasida* [Uzbekistan in the epoch of colonization and oppression]. Tashkent: Sharq.
6. Middendorf, A. (1882) *Ocherki Ferganskoy doliny* [Essays in the Ferghana Valley]. Sankt-Peterburg: Tipografiya imperatorskoy akademii nauk.
7. Usmonov, Q. (ed.) (2002) *O'zbekiston tarixi* [The history of Uzbekistan]. Tashkent: O'AJBNT markazi.
8. Simakov, G.N. (1982) O principah tipologizacii skotovodcheskogo hozyajstva u narodov Srednej Azii i Kazahsatana v konce XIX – nachale XX veka [On the principles of typologization of cattle breeding among the peoples of Central Asia and Kazakhstan at the end of the nineteenth and beginning of the twentieth centuries]. *Sovetskaya etnografiya*. 4. Pp. 67-76.
9. Dala tadqiqotlari [Field research].
10. Muxtorov, A.Z., Turaqulov, Z.T. (1974) Yilqichilik [Horse breeding]. Tashkent: O'qituvchi.
11. Ibrat, I. (1991) *Farg'ona tarixi* [The history of Ferghana]. Tashkent: Kamalak.
12. Qosimov, B. 2002) *Milliy uyg'onish* [National awakening]. Tashkent: Ma'naviyat.
13. Asqarov, A. (ed.) (1994) *O'zbekiston xalqlari tarixi* [History of the people of Uzbekistan]. 2-volemes. Tashkent: Fan.
14. Bernshtam, A.N. (1951) *Drevnyaya Ferghana* [Ancient Ferghana]. Tashkent: Izdatel'stvo Akademii nauk UzSSR.

Муаллиф ҳақида маълумот:
ҒОЗИЕВ Маҳмуджон Ҳамитбекович – Андижон давлат университети Ўзбекистон тарихи кафедраси таянч докторанти. E-mail: mahmudjon. gaziyev@ mail.ru